

Ishonch

2019 йил 21 декабрь • шанба • № 154 (4283)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЯПОНИЯГА ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан 17-20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни Токио шаҳрида Япония Императори Нарухито билан учрашди. Император олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, ушбу ташриф Ўзбекистон – Япония дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим воқеа бўлгани, икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари Император Нарухитога чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдириб, «Рейва» деб номланган янги даврда Япония уйғун ривожланишда давом этиши, мамлакат нуфузи ва аҳоли фаровонлиги янада ошишини ташкилади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи шарафига Япония Императори Нарухито томонидан қабул маросими ўтказилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Кунчиқар мамлакатга ташрифи тадбирларга бойлиги билан ажралиб турди. Шавкат Мирзиёев ташриф доирасида дастлаб Нагоя шаҳрида бўлиб, қатор учрашувлар ўтказди. Дунёдаги энг нуфузли олий таълим масканларидан бири бўлган Нагоя университетига ташриф бурди. Бу ерда Президентимизга фахрий док-

тор унвонини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу тариқа 18 декабрь санаси мамлакатимиз ва Нагоя университети тарихига муҳрланди. Негаки Ўзбекистон раҳбарига фахрий доктор унвонининг берилиши мамлакатимиз тараққиётининг келажаги, деб айнан илм-фан ва таълим танлангани Япония-дек ривожланган давлат томонидан эътироф этилгани рамзидир. Иккинчи томондан Шавкат Мирзиёев дунё мамлакатлари етакчилари ичда Нагоя университети фахрий докторлигини олган биринчи Президент бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Токиодаги музокаралари ҳам самарали кечди. Бу ерда Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асо, парламентдаги «Ўзбекистон – Япония» дўстлик лигаси фаоллари ҳамда Кунчиқар мамлакатнинг етакчи компаниялари ва банклари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Музокаралар чоғида икки томонлама манфаатли кўлаб қўшма лойиҳалар истиқболлари муҳокама қилинди.

Японияга ташрифнинг учинчи куни ушбу мамлакат парламентининг Вакиллар палатаси раиси Тадамори Осима, Маслаҳатчилар палатаси президенти Акико Санто билан учрашувларда икки мамлакат парламентларо муносабатла-

рини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Кунчиқар мамлакат Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ислохотларни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Япония халқро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Синичи Китаока, шунингдек, дунёга машҳур япониялик архитектор Тадао Андо билан учрашувларда мамлакатимизда ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Японияга расмий ташрифнинг асосий тадбирлари 19 декабрь куни Токиодаги Кантэй қароргоҳида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэ билан икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги Стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Кўшма баёнот, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, инвестиция битимлари ва савдо шартномалари имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи якунига етди.

Давлатимиз раҳбари Япониядан МДХнинг норасмий саммитида иштирок этиш учун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА махсус муҳбири

МДХ МАМЛАКАТЛАРИ РАХБАРЛАРИНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди.

Икки давлат раҳбарларининг суҳбати бўлиб ўтди, унда икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорлик истиқболлари, халқро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди.

МДХ норасмий саммитида Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистон раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Кўп томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари, жумладан, 2020 йилда Ҳамдўстликда Ўзбекистон раислигининг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг ташрифи якунланди.

ЎЗА

КУН НАФАСИ

2019 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаеванинг ЕХХТ Парламентларо Ассамблеяси (ПА)нинг Георгий Церетели бошчилигидаги делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг Россия Федерацияси Федерал Кенгаши Парисининг ўринбосари, МДХ Парламентларо Ассамблеяси (ПА)нинг кузатувчилари узоқ муддатли миссияси раҳбари Ильяс Умаханов билан учрашуви бўлиб ўтди.

МДХ Ижроия қўмитаси Раиси Сергей Лебедев жорий йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларни кузатиш мақсадида Ўзбекистонга келди. У МДХ Ижроия қўмитаси кузатувчилари миссиясига бошчилик қилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясида Туркий тили давлатлар Парламент ассамблеяси бош котиби Алтинбек Мамаюсов билан учрашув бўлиб ўтди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Ингибёр Сольрун Гисладоттир биринчи мартаба сайловларни кузатиш учун Ўзбекистонга келди.

Андижон давлат университети билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Россия Федерациясининг Томск давлат университети делегацияси Андижонга келди.

Иновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Иновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази ходимлари бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терминалоаси 15-20 декабрь кунлари Таиланднинг Чиангмай шаҳрида бўлиб ўтган «The 21th International Robot Olympiad 2019» халқаро робототехника олимпиадасида умумий ҳисобда 7 та медални қўлга киритди.

28 декабрь куни Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ва Ўзбекистон ўртасида Чэнду-Тошкент-Чэнду чартер рейси йўлга қўйилди.

Юртимизда ер силкиниши қайд этилди. ФВВ Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази хабарига кўра: 20.12.2019да Тошкент вақти билан 16:39 (20.12.2019 да 11:39 Гринвич бўйича) Афғонистонда зилзила содир бўлди. Ер қимирлаши Тошкент шаҳридан 524 километр жанубда, соат 16:39да юз берган. Зилзила магнитудаси 6,5, чуқурлиги 202 километрни ташкил этган. Ер ости силкинишлари кучи Сурхондарёда 4 балл, Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Навоийда 3 балл, Хоразм ва Қорақалпоғистонда 2 баллни ташкил этган.

Халқаро эътироф



«The Economist»: ЎЗБЕКИСТОН – «ЙИЛ МАМЛАКАТИ»

Британиянинг «The Economist» нашри аънавий тарзда ҳар йили демократия соҳасида энг катта ютуқларга эришган давлатни «Йил мамлақати» деб эълон қилади. Бу сафар бундай номга Ўзбекистон муносиб деб топилди.

ОХАНГ – ЯНГИ, ЁНДАШУВ – ЭСКИ

Миллий ғояни ривожлантириш концепцияси лойиҳасига оид айрим мулоҳазалар

Концепция лойиҳасида «Миллий юкдорий ғоясининг асосий тамойиллари унинг шимлий жиҳатдан асослангани ва мунтазамлиги, очкилик ва барикенлик, тарихийлик ва замонавийлик, универсаллик ва мустақиллик каби хусусиятларга эга», дея унинг хусусиятлари борасида, аслида, ушбу даврдан бизга таниш бўлган «Миллий тикланиш» ғоясининг тамойиллари келтирилган. Бу нотўғри тамойиллар эмас, аммо миллий юксалишнинг ўзига хос янги хусусиятлари бу ерда унчалик кўринмаяпти. Боз устига, Концепцияда айрим муҳим масалалар умуман кўтарилмаган ёки умумий ва содда баёнотлар билан чекланган.

Келгуси сонларда ўқинг...



Барҳаёт
Ҳамза



Низом кучга кирмоқда:
Энди тўйлар ўзгарадими?

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ҚУРИЛИШИДА РЎЙ БЕРГАН ҲАЛОКАТ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ БАЁНОТИ

Маълумки, 2019 йил 18 декабрь куни Тошкент метрополитени Юнусобод йўлининг янги қурилатган қисмида бахтсиз ҳодиса юз берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғи билан авария оқибатларини бартараф этиш бўйича тузилган Ҳукумат комиссияси содир бўлган ҳодисанинг сабаб ва оқибатларини ўрганиш, уларни зудлик билан бартараф этиш, жабрланганлар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби бир қатор вазифаларни амалга оширди. Комиссия маълумотларига кўра, ушбу кўчига давомий ёмғир сабаб бўлган, ёмғир сувлари қотлован олдида сув ҳайдаш учун қурилган лоток ва бетон тўсиқ орасидаги тупроқни юмшатиб юборгани натижасида ер ўприлиб, 250 метр куб тупроқ кўчиб, қурилиш объектининг бир қисmini босиб қолган. Оқибатда 6 нафар ишчи ҳалок бўлди. Уларнинг тўрт нафари (Ойбек Абдуллаев (1989 йда

туғилган), Давронбек Абдуллаев (1999 йда туғилган), Жонибек Равшанов (1989 йда туғилган), Анвар Диёров (1986 йда туғилган) Қашқадарё вилоятидан, икки нафари эса (Зариф Каримов (1981 йда туғилган), Ихтиёр Раҳमतов (1996 йда туғилган)) Самарқанд вилоятидан келиб ишлаётган бўлган. Маълумот учун: Зариф Каримов «Бухоро минтақавий темир йўли узели» УҚ қарашли «Зиадин» темир йўл масофаси йўл соловчиси бўлиб ишлаган, у янги метро қурилишига хизмат сафарига юборилган эди. Ойбек Абдуллаев, Давронбек Абдуллаев, Жонибек Равшанов, Анвар Диёров ва Ихтиёр Раҳमतовлар «Қурилиш универсал компакт» пудратчи-қурувчи ташкилот ходимлари саналар эди. Ҳукумат комиссияси тайинланган гуруҳ («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси вакиллари ҳамда пудратчи-қурувчи ташкилот раҳбарлари) томонидан ҳалок бўлганлар до-

имий яшаган манзилларига етказилди. Уларнинг оила аъзолари ва яқинлари 100 миллион сўмдан моддий ёрдам берилди. Вилоятлар ҳокимликлари ва жамоатчилик вакиллари марҳумларнинг оиласидан хабар олиб, зарур ёрдам кўрсатишди. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка асосан кўшимча компенсация пуллари тўлаб берилиши тушунтирилди. Яъни, махсус комиссия 15 кун мобайнида бахтсиз ҳодисани ўрганиб чиқади, марҳумларнинг ўлими меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда юз бергани боис, қонунларда белгиланган тартибда ва миқдорда бошқа тўловлар ҳам амалга оширилиши белгиланади. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгаши бахтсиз ҳодиса бўлганига қадар ҳам ўзининг зиммасидаги вазифаларни бажариб келган. Хусусан, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарувининг 2019 йил 1 июль, 26 июль, 23 август ва 3 октябр-

даги буйруқлари билан Тошкент метрополитенининг янги линияларида қурилиш ишларини жаддалаштиришга республикамизнинг турли ҳудудларидан ишчи-ҳодимлар жалб қилинган. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгашининг 04.11.2019 йилдаги 29-14 «с» сонли Раёсат қарорига асосан ушбу йўналишдаги ишларнинг боришини доимий кузатиб бориш мақсадида жамоатчилик назорати гуруҳлари тузилган. Назорат гуруҳи аъзолари Тошкент метрополитени янги линияларида олиб борилаётган қурилиш ишларида ҳудудлардан жалб қилинган ходимларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш ҳамда муносиб меҳнат шароити яратиш, ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қурилиш ишларида фаол қатнашган ишчи-ҳодимларни рағбатлантириш борасида иш берувчи ва касба уюшмаларига тавсияномалар ки-

ритиш, мавжуд камчиликларни жойида бартараф этилишининг имкони бўлмаганда тегишли корхоналар ва иш берувчиларга белгиланган тартибда тақдимномалар киритиб бориш каби вазифалар топширилган. Бугунги кунда ҳам янги метрополитен қурилиш объектларида 6 та ҳудудий касба уюшма кўмита раиси ва 53 та бошланғич касба уюшма ташкилот раиси ўз хизмат вазифаларини бажармоқда. Доимий фаолият юритувчи назорат комиссияси томонидан қурилиш объектларида меҳнат муҳофазаси таъминлиниши ва меҳнат шароитлари яратилиши юзасидан ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгаши бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган юртдошларимизнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Хоразм вилояти

Замон ёшлардан нималарни кутмоқда?

Таҳлил

Мамлакатимизда ёшлар ўзларини намоён қилишлари учун яратилаётган шароитлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, Хоразм вилоятида ҳам.

Яқинда Хоразмда муҳташам Президент мактаби ва Огаҳий номидаги ижод мактабининг янги бинолари фойдаланишга топширилган воҳа ёшлари учун муносиб туҳфа бўлди. Уларда вилоятнинг энг билимли, иқтидорли болалари таҳсил олмақда.

Урганчдаги Ёшлар марказида 21 та турли фан, маданий-маърифий тўғараклар фаолияти бепул йўлга қўйилган бўлиб, ҳар куни 2000 нафардан ортиқ ёшларга хизмат кўрсатади. Бу ерда 10 минг дондан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона бор. Бепул «Wi-Fi» худудларининг ташкил этилган ёшлар учун яна бир қулайликдир.

«Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида Хоразм вилоятида йилнинг ўтган даврида

136 нафар ёш тадбиркорга салкам 30 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилган. Бунинг натижасида 366 та янги иш ўрни яратилган. Урганч шаҳрида «Yosh tabirkorlar» корпоратив-маркази қурилди. Қолаверса, вилоят бўйича 22 та «Yoshlar mehnat guzarlari» ишга туширилди.

«Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида Хоразм вилоятида йилнинг ўтган даврида 136 нафар ёш тадбиркорга салкам 30 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилган. Бунинг натижасида 366 та янги иш ўрни яратилган.

Натижада, 170 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Ёшларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам кучайтирилмоқда. 2017-2019 йиллар давомида вилоятда 142 на-

фар ёш оилага «Ёшлар уйлари» ажратилиб, 1 404 308,0 минг сўм миқдорида бошланғич бадал тўловлари тўлаб берилган. Бу мисоллар вилоят ёшларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг бир қисми, холос.

Буларга жавобан вилоят ёшлари ўз иқтидорларини янада кенгроқ намоён қилмоқда. Жорий йилда Хоразм вилояти ёшларининг 2 нафари Зулфия номидаги давлат мукофоти, 2 нафари «Мард ўғлон» давлат мукофоти, 1 нафари «Келажак бунёдкори» медали, 2 нафари Президент стипендиеси соҳиби бўлди.

Ёшларни қўллаб-қувватлашда касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Жамоа шартномаларида ёшларга белгиланган қўшимча имтиёз ва кафолатлар ижроси таъминланмоқда. Йилнинг ўтган даврида жамоа шартномалари асосида икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун меҳнат таълимида бўлган 274 нафар ёш оналарга 360996,7 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. 1912 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила-

ларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қоплаш мақсадида 108145,4 минг сўм маблағ сарфланган. 1679 нафар кам таъминланган ёш оила вакилларига 328765,9 минг сўмлик моддий ёрдам берилган. 74 нафар олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларга ўқув шартнома пулларининг қисман тўловини амалга ошириш мақсадида 90838 минг сўмлик маблағ сарфланган. 21 та ёш оилага уй-жой қуриши ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилишлари учун 46000 минг сўм миқдорида фоизсиз ссуда ажратилган. 17 нафар ёш ходимларга сарфбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан 19300 минг сўм фоизсиз ссуда ҳужжат вазифасини ўтаётгани ўз аксини топган.

Корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган «Маънавият соатлари»

ёшлар маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Касаба уюшмалари ҳомийлигида ташкил қилинаётган саёҳатларга ёшлар кенг жалб қилинмоқда. Бошланғич касба уюшмаларида ўтказилаётган спорт мусобақаларида ёшлар фаоллик кўрсатишмоқда. «Устоз-шогирд» аъналари асосида ёш ходимлар малакасини ошириш чоралари кўришмоқда. Буларнинг барчаси ёшларнинг ҳаётда, жамиятда ўз ўринларини топишлари, ўзлигини намоён қилишлари учун берилган имкониятлардир.

Давлатимиз ёшларга эътибор қаратар экан, бунга жавобан улардан фидойилик, ватанпарварлик кутади. Бунинг келажак эгалари ҳар доим ёдда туттишлари ва шунга монанд ҳаракат қилишлари лозим.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ, Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Бошланғич ташкилотларда

Керайли туманидаги «Халқабод пахта тозалаш» акциядорлик жамияти Қорақалпоғистондаги турдош корхоналар ичида йирикларидан ҳисобланади.

Ходимлар манфаати устувор

Мавсумда ишга жалб этиладиган 150 нафар ишчини ҳам қўшганда жамоа 475 нафарни ташкил қилади. Корхонада жамоа шартномаси асосида ходимларни муносиб меҳнат шароитлари билан таъминлаш мақсадида бор имкониятлардан фойдаланилмоқда. Маҳсуус кийим-бош, иссиқ овқат ва сут маҳсулотлари бериб борилади. Корхонанинг захира омборда зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари сақланади.

Ишчиларни тиббий қўриқдан ва иш ўринларини аттестациядан ўтказиб бориш доимий назоратда. Корхонада тиббиёт хонаси, ҳар бир ҳафта алоҳида дам олиш ва кийиниш хоналари бор. Навбатдан чиқадиган ходимлар учун автоулов, алоҳида сартарош хизмат кўрсатади. Ойлик иш ҳақлари вақтида берилиши касба уюшмаси назоратида. Шунингдек, жорий йилда ижтимоий ёрдамга муҳтож ходимлар учун 200 млн. сўм маблағ ажратилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача бўлган миқдорда кўмак пуллари берилди. Шу кунгача 6 нафар ходимга замонавий турар-жой учун иморатнинг бошланғич тўлови корхона томонидан тўлаб берилди.

Корхона ходимларининг ижтимоий ҳимояси доимий эътиборда. Жорий йилда 40 нафардан кўпроқ аъзолар «Узпахтасаноат» АЖ тизимидаги «Арчазор-Чимгон» соғломлаштириш марказида имтиёзли дам олишди. Ходимларнинг 60 нафардан кўпроқ фарзандлари ёзда оромгоҳларга юборилди. Уларнинг ўзлари учун Хива шаҳрига саёҳат ташкил этилди.

Моддий ёрдамга муҳтож, ногиронлиги бор кишиларни уй юмушларига жалб этиш мақсадида турт нафар аёл ҳомийликка олиниб, касаначилик фаолиятига жалб этилди. Уй-жойга эҳтиёжи бўлган оилаларга икки хонали турар-жойнинг бошланғич қарғи корхона ҳисобидан ўтказиб берилди. Шу билан бирга 3 млн. 200 минг сўмдан пул ажратилиб, ҳар бирига тикув машиналари харид қилинди. Касаначилар бугун меҳнатларига яраша ишбай ҳақи олишмоқда.

Корхона Халқабод шаҳридаги 3 мактабга таълим муассасасини ҳомийликка олган. Ҳар байрамда касба уюшма фаоллари совға-саломлар билан ҳажжларни хурсанд қилишади.

Мамурут ҚАЛХАНОВ, «Халқабод пахта тозалаш» АЖ касбабўқим раиси



Наманган вилояти

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан жорий йилнинг апрел ойида барпо этилиб, фойдаланишга топширилган «Океан» сув спорти саройи ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар муассасаси бугун кўп сонли ташриф буюрувчилар хизматида.

«ОКЕАН»ДА улғаяётган чемпионлар

Ушбу спорт муассасасида 23 та гуруҳда 16 ёшгача бўлган 200 нафар бола ва 220 нафардан зиёд катта ёшдагиларга 6 нафар мураббий мунтазам хизмат қилапти.

– Тонги соат 6:00 дан иш жараёнимиз бошланади. Сабаби, ташриф буюрувчи катта ёшдагиларнинг аксарияти ишчи-ходимлар бўлгани боис, уларнинг вақти чегараланган, – дейди «Океан» сув спорти саройи директори Расулжон Низомбоев. – Ҳар бир соатимизни ташриф буюрувчилар билан биргаликда режалаштириб олганмиз. Ҳозирда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тизимидаги корхона, ташкилот, муассасаларда ишловчи ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига имти-

ёзли чипталар берилган бўлиб, меҳнатқашларни соғломлаштириш мақсадида бу ерда жадвал асосида машғулотлар олиб боришмоқда.

Шунингдек, болалигидан ногиронлиги бор олти нафар кичик ёшдаги ҳамда етти нафар катта ёшли ташриф буюрувчиларга олий маълумотли мураббийлар томонидан алоҳида машғулотлар ўтказилади. Ҳозирги кунда спорт иншооти ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аёллар учун тўғри овқатланишга асосланган тарзда аэробика, шейпинг спорт рақси гуруҳлари ҳам ташкил этган.

– Барча шароитларга эга бундай иншоотнинг вилоятимизда бунёд этилганидан бениҳоя суюндик, – дейди сув спортига фар-

зандини олиб келаётган Фахриддин Ҳабибхонов. – Қизим бу ерга қатнаётганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, мураббийларнинг ишончини оқлаб, ҳозирги кунда ички мусобақаларда ҳам иштирок эта бошлади.

Бугун «Океан» сув спорти саройи нафақат наманганликларнинг, балки юртимизда сузишга ишқибоз катта-ю кичикнинг оғзига тушгани рост. Жаҳон андалалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган ушбу ёпиқ сузиш ҳавзасидаги сув ҳарорати мунтазам 28-29 градус ҳолатни ташкил этади ва тўлиқ иситиш тизими билан жиҳозланган. Испаниянинг «Астрополь» фирмасида ишлаб чиқарилган, ҳар бири 3,5 тоннадан жами 14 тонналик сувни қимёвий тозаловчи, тозаланиш назорат қилувчи компьютерлаштирилган тизим ўрнатилган бўлиб, бу сувнинг доимий шаффофлиги, тозаланиши таъминлаб беради.

Вилоятда сув спортини ривожлантириш мақсадида ушбу мажмуада байрам саналари муносабати билан болалар ва ўсмир ёшдагилар ўртасида мунтазам мусобақалар ўтказиб келинмоқда.


Орзуғул РУСТАМОВА, «Ishonch»



Имконият



Жиззах вилояти



Хонадонимизда бир зумга бўлса-да, чироқ ўча, бутун дунёни зулмат қоплагандек бўлади. Ана шундай ҳолат корхона ёки ташкилотда содир бўлса-чи? Зеро, қайси бир соҳага назар ташламанг, унда бевосита энергетикларнинг беминнат хизмати борлигига гувоҳ бўласиз.

Халқ ҳўжалиги тармоқларини электр энергияси билан узлуksиз таъминлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган жамоамиз аҳли ўтаётган 2019 йилда қатор ютуқларга эришиб, касб байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмақда. То шу кунга қадар истеъмолчиларига жами 507,5 миллиард сўмлик электр энергияси етказиб берилди. Электр энергиясининг 118,4 миллиард сўмлиги аҳоли хонадонларига, 389,1 миллиард сўмлиги улгуржи истеъмолчиларига сотилди.

Энергетикаларимиз вилоятдаги мавжуд 103 та 35-110 кВли нимстанцияларга, 12 минг 131 километрли 0,4-6-10-35-110 кВли ҳаво тармоқлари ва 3 минг 765 та трансформатор пунктларига ўз вақтида техник хизмат кўрсатётганликлари натижасида истеъмолчилар узлуksиз равишда электр энергияси билан таъминланяпти.

Кези келганда, 2019-2020 йилги куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилганини таъкидлашни истардим. Бундан буён ҳам ижтимоий

рени ҳимоялаш, етарли меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиш мақсадида иш берувчи ва касба уюшмаси ўртасида 2017-2019 йилларга мўлжалланган жамоа шарномаси имзоланган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида икки томонлама мажбуриятларнинг ижроси сифатида ҳар бир ходимга 11850,0 минг сўм сарфланди. Меҳнат қилаётган аёллар ва ёшларга, нафақадаги фахрийлар бир қатор имтиёزلардан фойдаланмоқда. Фарзанди 2 ёшга тўлмасдан иш фаолиятини давом эттираётган аёл-

доридо ёрдам пули ажратилади. Акциядорлик жамияти ҳисобида жамоамизда ишлаб, пенсияга чиққан 150 нафар фахрий бўлиб, 2019 йил давомида уларнинг 11 нафарига касба уюшма қўмитаси ҳисобидан даволаниш имконияти яратилди. 12 нафар фахрийга 16 миллион 800 минг сўм миқдорида санаторийларга йўланмалар берилди.


Корхона фахрийлар кенгаши касба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда иш олиб боради. М.Абдуҳақимов, А.Қўшанов, М.Ваҳобов син-

Чароғон ҳаёт ижодкорлари

соҳа объектларини, аҳоли истеъмолчилари ва ишлаб чиқариш корхоналарини кафолатли электр энергияси билан таъминлашда узлуksизликка эришиш бош мақсадимиз. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида жойларда 4589,2 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари уddаланди. Ёки вилоятимиз ҳудудидаги 1 минг 142,1 километр 0,4-6-10-35-110 кВли ҳаво тармоқлари, 3 та 110 кВ ли куч трансформаторлари, 224 та трансформатор пунктлари мукамал таъмирдан чиқарилди. Йил давомида 9 минг 489,1 километрли 0,4-10-35-110 кВ ли электр тармоқлари, 2 минг 842 дона трансформатор пунктлари ва 103 та 35-110 кВли нимстанциялар жорий таъмирланди.

Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талаби кескин ошади. Энергия сарфининг кўпайиши натижасида трансформаторларнинг юкланиш даражаси ортади. Бу эса трансформатор мойи сарфини оширади. Ҳозирга қадар 35,1 тонна трансформатор мойи олинди. Шунинг ҳисобига трансформаторларнинг мой сатҳи меъёрига келтирилди.

Корхонамизда 1464 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг 144 нафари хотин-қизлар, 277 нафари ёшлардир. Жамоанинг манфаатла-



ларга боласини овқатлантириши учун иш ҳақи сақланган ҳолда 1 соат 20 дақиқа кунлик қўшимча таътил берилаётди.

Ёш йигит-қизлар турмуш қураётганларида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш тарифининг 4 баравари миқ-

гари фахрийлар ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларини, иш услубларини ёшлар билан доимий равишда баҳам кўраётгани учун биз улардан миннатдормиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида ички туризм йил-

Фаолият қирралари

дан йилга ривожланиб бораётгани дунёқарашишимизда ўз ифодасини топаётди. Касаба уюшмаси корхона маъмурияти билан ҳамкорликда ходимларни юртимиздаги муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар ва истиклол даврида бунёд этилган иншоотлар билан таништириш мақсадида фаол меҳнат қилаётган 30 нафар ходимлар учун Бухоро шаҳрига саёҳат уюштирди.

Республикамиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ хордимларимиз «Ўжмушкент» зиёратгоҳи ҳамда Зомига саёҳат қилдилар. Илғор энергетикларимиздан 15 нафари Хоразмнинг тарихий обидаларини кўздан кечириб, бир дунё таассуротлар билан қайтидилар.

Қутлуғ айём арафасида барча ютуқларда «Ўзбекистон энергетикаси фахрийси» нишонини билан тақдирланган Норкул Абдухалиқов, Қўчқор Янгибоев, Баҳодир Абдиев, Баҳром Мамадиев, Улурбек Юсупов, Йўлдош Бегалиев, Эргаш Рўзимуратов, Фахриддин Турсунбоев, Манзур Аманов, Бахтиёр Қўшақов, Баҳром Бегалиев, Фахриддин Арақулов, Ғулом Мамаюсупов ва Умида Турсунқуловаларнинг муносиб ҳиссалари борлигини эътироф этган ҳолда, уларнинг сафи тобора ортиб бораётгани барча-барчамизга мамнуният бағишлайди.

Эртага мустақил юртимизда яна бир байрам — энергетиклар кунини кенг нишонланади. Ўтаётган 2019 йилда юқори натижаларга эришиб, янги йилда янада юксак марраларни қўзғайётган вилоятимиз энергетикларини касб байрамлари билан чин кўнгиладан табриқлаймиз. Нурчиларнинг машаққатли, аммо, шарафли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Илҳом ўРИНОВ,

«Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касба уюшма қўмитасининг раиси

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси» қарори лойиҳаси (regulation.gov.uz) менда зиддиятли таассуротлар қолдирди. Аввалдо, унинг формалистик тарзда тузилгани яққол кўзга ташланади. Рамзий маънода «шираси кам». Унда янги оҳанглар билан бирга эски ёндашувларнинг таъсири ҳам сезилиб турибди. Шу ўринда мавзуга оид айрим фикр ва тақлифларимни билдирмоқчи иктиёр этдим.

Концепция лойиҳасида «Мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий истиқлол ғоясининг ишлаб чиқиши Ўзбекистонда мустақилликни асраш, мамлакат хавфсизлигини сақлаш, мафкуравий таҳдидларга қарши курашда халқни бирлаштиришга хизмат қилди», деб тўғри таъкидланган. Бу ерда мен «...ва Ўзбекистоннинг янги давлатчилигини барпо этишга...» деган жумлани кўшган бўлардим. Ва яна Концепцияда «халқимиз миллий тикланиш давридаги вазифаларни амалга оширишга эришиди», деб ҳам жуда тўғри таъкидланган. Беихтиёр савол туғилади, ҳўш, энди миллий тикланиш ғояси ўрнига нима тақлиф этиляпти?

Ўзбекистоннинг миллий ғояси нималарга эътибор қаратиши лозим, деган саволга Концепцияда, хусусан, куйидаги масала кўрсатилади: «дунёда юз бераётган геосиёсий ва мафкуравий жараёнлар, турли ахборот хуружлари мазмун-моҳиятини англаш, халқаро терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик ва одам савдоси, нарқобизнес, «оммавий маданият» каби турли хавф ва таҳдидларга қарши курашишда кучларни бирлаштириш ва уларни умуммиллий ҳаракат даражасига олиб чиқиш».

Биринчидан, дунёдаги вазиятга эътибор қаратилар экан, унга чуқур ўрганган ва тўғри идрок этган ҳолдагина баҳо бериш мумкин. Концепцияда эса халқаро вазият соддалаштирилган ҳолда фақат таҳдид ва хавф тушунчаларида ифода этилган. Ваҳоланки, дунёдаги жараёнларнинг турли ўлчамлари бор. Уни таъшиш уйғотувчи «аянчли воқеалар» каби сўзлар билан таъсирлаш, ва ҳаттоки, шундай ҳақиқиратувчи сўзлар билан Концепцияни бошлаш бир ёқлама ёндашувдир.

Иккинчидан, айнан мана шу «аянчли воқеалар»нинг Ўзбекистондаги акс-садоси қандай? Ахир биз шу пайтгача «юртимиз тинч, осмонимиз мусалф» деган фикрни жоматчилик онгига синдириб келдик-ку! Бу қайсида маънода тўғри фикр, яъни мустақил давлат бўлганидан буюн Ўзбекистон турли таҳдидларга бардош берган ҳолда, тинчлиги ва хавфсизлигини сақлаб келди, ва айни пайтда мамлакатимизга нисбатан йирик таҳдидларнинг кўлами қисқарганини кузатишимиз.

Матн бошида «зарарли ғоя ва мафкуралар» тўғрисида умумий ва мавҳум фикр келтирилган. Ҳўш, қайси ғоялар ва мафкуралар биз учун зарарли деб ҳисобланиши керак? Бу масалага аниқлик киритиш керак, деб ўйлайман. Масалага дахли бўлгани учун мулоҳазамизни куйидаги мисол билан давом эттирсак. Масалан, либерализм мафкурасини олайлик (чунки бизда Либерал демократик партияси бор). Бошқа давлатларда бундай номдаги кўп партиялар мавжуд. Дейлик, Россиядаги ЛДПР, Япониядаги ЛДП ва бошқаларни бир-бирига солиштирсак, улар принципал жиҳатдан ҳар хиллигини кўришимиз мумкин. Россия Президенти яқинда Ғарб либерализми инқирозга учраганини таъкидлади. Ғарб мамлакатларининг ўзида либерализм ва неолиберализм куюшқондан чиқиб кетиши натижасида, бу масала таъшиш уйғотмоқда.

Ҳўш, шундай экан, биз «либерал демократия»ни қандай тушунамиз? Агар, содда қилиб айтганда, либерализмнинг маъноси эркинлик бўлса, унда эркинликнинг чегараси бўлиши керакми ё у чексиз бўладими?

Концепция лойиҳасида «Ўзбекистоннинг 2030 йилгача дунёдаги 50 та ривожланган демократик давлатлар қаторига киришига эришиш» белгиланган. Бироқ биз 2030 йилга бориб бугунги ривожланган демократик давлатларнинг ўзи қандай босқичга чиқишини тасаввур қиляпмизми? Ахир, мазкур 50 та давлат бизни пойлаб ўтирмайди-ку, қачон Ўзбекистон бизнинг сафимизга қўшилиши керак, деб. Демак, бундай бир қарашда тўғри ва долзарб мақсадни белгилашдан олдин ана ўша 50 та давлатнинг демократияси ва ривож қандай бўлганки, улар юксак натижаларга эриша олди ва биз ҳам шундай йўлни 10 йил ичида босиб ўта оламизми, деган масалани чуқур ўрганиб чиқишимиз керак бўлади, назаримда. Ҳатто, ўша хаваф қилдирганимиз 50 та давлатнинг ўзи ҳам бир-биридан фарқ қилади. Қайси биридан ўрнат олишимиз мақсадга мувофиқ, бу ҳам бир масала.

Аслида, биз демократик жараёнларни янада жадаллаштиришимиз керак. Чунки биз тасаввур қилган замонавий демократия индустриал инқилоб замонида ривож топган бўлиб, унинг ўзи ҳам янгиланиб бормоқда. Ахборот жамонида инсониятнинг бутун ҳаёти тубдан ўзгариб боради, замонадан, давлатларни қиёфаси ва бошқарув услублари ҳам. Шу маъ-

нода биздан демократиянинг маъно-моҳиятини тўғри идрок этиш талаб этилади...

Концепция лойиҳасида бир хил, бир-бирини такрорловчи гаплар ва фикрлар кўп. Қизиғи, уларнинг аксарияти Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида ҳамда дастлабки миллий ғоя концепциясида ҳам етарлики ифодаланган, шу маънода лойиҳада янгилик кам. Ҳа, ҳужжатда «инновацион тараққиёт билан халқимизнинг аънавий миллий турмуш тарзи ўрта-сида ўзига хос уйғунлики таъминлаш орқали Ўзбекистонга хос миллий тараққиёт моделини яратиш устувор вазифа ҳисобланади», деганга ўхшаш одамни илҳомлантирувчи фикрлар ҳам бор. Бироқ улар асосланмаган. Ҳолбуки, модернизация йўлига ўтган бир қатор мамлакатларда замонавий тараққиёт ва аънавийлик орасида кескинлик кучайиб, турли кучларнинг тўқнашуви ҳам сабаб бўлган. Бунга бир томондан Эрон, Афғонистон, Саудия Арабистони мисол бўлса, бошқа томондан эса Япония, Хитой, Корея...

Шу нукта назардан, Концепция лойиҳасида Шарқдаги «учинчи ренессанс» деб таърифланган уйғониш даври бизда қандай кўринишда намоён бўлади?

Гап шундаки, бизда кўпинча Шарқ ва Ғарби бир-бирига зид ҳолда таърифлашади. Масалан, «шарқона мента-

ҳаётимизни қамраб оляпти, демокчи эмасман; одамзоднинг ўзи табиятан шунчалик универсал деб атаса бўладиган сифатларга эгаки, уларни биз на соф ғарбий, на соф шарқий сифатлар дейишимиз мумкин.

Яна Концепция лойиҳасига қайтсак, унда «Миллий юксалиш ғоясининг асосий тамойиллари унинг илмий жиҳатдан асослангани ва мунтазамлиги, очиқлик ва бағрикенглик, тарихийлик ва замонавийлик, универсаллик ва мослашувчанлик каби хусусиятларга эга», дея унинг хусусиятлари борасида, аслида, ўтган даврдан бизга таниш бўлган «Миллий тикланиш» ғоясининг тамойиллари келтирилган. Бу нотўғри тамойиллар эмас, аммо миллий юксалишнинг ўзига хос янги хусусиятлари бу ерда унчалик кўринмапти. Боз устига, Концепцияда айрим масалалар умуман кўтарилмаган ёки умумий ва содда баёнотлар билан келган. Масалан, маънавият масаласининг ўта долзарблиги ва шу билан бирга мураккаблиги ҳамда зиддиятчилиги ҳужжатда ўз аксини топмаган. Афсуски, миллий, маънавий ва ахлоқий масалалар юзасидан фикр билдиришда аниқлик, самимийлик ва мунтазамлик кўпроқ диний улаомларимизга хос, деган қараш шакланган бўлиб, тарғибот-ташвиқот доиралари эса кўпроқ формал ёндашув, расмиятчилик, тадбирбозлик билан машғул.



литет», «ўзимизга хос демократия», «маданиятимизга, урф-одатларимизга ёт ғарбланиш» каби иборалар билан мазкур масалани соддалаштирилади. Бу борада мен диалектик ёндашув тарафдориман. Қайси масала қўрилмасин, уни мутлақлаштирмадик, ўта умумлаштирмадик, мураккаблигини инкор этмасдик зарур. Масалан, «шарқона менталитет»нинг қайси унсурлари антиқа бўлиб, ғарбий менталитетда умуман такрорланмайди? Ёки «ўзимизга хос демократия»нинг қайси жиҳатлари ғарбий демократиядан мутлақо фарқ қилади? Ёки ғарбланишнинг қайси сифатлари бизга ёт? Шундай саволлар орқали масалага ёндашсак, яъни ғарбий таъсир деган ҳодисани тегишли илмий элақдан ўтказсак, «улар» ва «биз» деган бўлиниш мутлақ бўлмай кўринади. Биз ўрганаётган миллий ғоя ҳам шунини инобатга олиши зарур.

Миллий ғоя концептуал ишлаб чиқилар экан, демак, айнан концептуал ва назарий саволларни четлаб ўтолмаймиз. Шу ўринда (диалектик ёндашувда) биз синтез тамойилини қиритган ҳолда, универсализм ғоясини қўлашимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Синтез тамойилига асосланган универсализм ғояси биздан инсонлар, халқлар, мамлакатлар ва ҳатто тамаддулар орасидаги фарқларни, бир-бирига қанчалик беғоналигини доим бўртириб кўрсатиш билан чекланмасдан, улар орасидаги ўхшашликка, табиятан бир-бирига яқинлигига ҳам назар ташлашни тақозо этади.

Дарҳақиқат, синтез ҳодисасини биз ҳар қадамга қўришимиз мумкин. Хусусан, «ғарбланиш индекси» деган тушунчага эътиборни қаратмоқчиман. Европа таҳлилий марказларида яқинда ушбу тушунча асосида қизиқ кузатувлар олиб борилди ва ғарбий бўлмаган халқларда қанчалик ғарбланиш ҳодисаси ривожланганлиги махсус мезонлар орқали ўрганилди.

Мезонларга эса куйидагилар киритилган: сиёсий эркинликлар даражаси; парламентдаги ғарбчиликка мойил депутатлар фоизи; жоматчилик фикрида ғарб цивилизацияси ҳақида тасаввурлар; Конституция ва қонунларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари нечоғли таъминланган; суд органлари нечоғли мустақил; бизнес ва иқтисод соҳасида ғарбий сармояларнинг улуши; ғарбий давлатлар билан бўлган экспорт-импорт кўлами; лотин алифбосининг қўлланилиши; аҳолининг ғарбий тилларда сўзлашуви; маҳаллий телевидениеда ғарб фильмлари қанчалик ўрин олган; Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ҳамда мобил телефонларнинг мамлакатда тарқалгани; фуқароларнинг ғарбий малакаларга саёқат қилиш кўлами; аҳолининг ҳаёт тарзида замонавий мода шохобчалари, рестороанлар, фаст-фуд нуқталари қанчалик талаб қилинган ва бошқалар...

Ушбу мезонларни ўлчаш услублари ва натижаларидан қатъи назар, уларнинг ўзи бизга синтез ва универсаллашувдан дарак бермоқда. Бу билан мен ғарбланиш жараёни бутун

Ваҳоланки, бугунги кундаги «Ўзбекконцерт»нинг ашулачиларга лицензиялар бериши ёки тортиб олиши, тунги клублар, букмейкерлик, тўй маросимлари, замонавийлик ва аънавийлик орасидаги зиддиятлик, диний ва дунёвий қадриятлар орасидаги фарқ билан боғлиқ турлича мулоҳазалар юзаси кўрсатилгани, жамиятимизда маънавий ва ахлоқий масалаларга нисбатан муносабатлар ўзгариб бормоқда. Баъзан ушбу масалалар бўйича ёшлар орасида қарам-қарши фикрлар янграмоқда. Миллий ғоямиз бундай жиддий зиддиятларга тайёри ва уларни бартараф эта оладими?

Ёки бўлмаса, авлодлараро дунёқарашдага тафовутни олайлик. Асрлар оша келаётган оталар ва болалар муаммосини ҳамма билди. Бу ёш авлод ва катта авлод орасидаги ҳам тарбиявий, ҳам маънавий, ҳам руҳий, ҳам ғоявий муаммоодир. Агар ўтмишда бу муаммо оддий ва табиий кўриниб, у бевосита инсоний мулоқот, мавжуд таълим тизими ва мафкуравий услублар орқали юмшатилиб, муайян меъёрга чекланиб турилган бўлса, бугунги глобаллашган замонада бу муаммонинг кўлами кенгайиб, соҳил бир-биридан узоқлашмоқда. Яъни авлодлараро дунёқарашдаги тафовут кенгайиб бормоқда.

Бугун ёшлар хорижда нафақат замонавий билим ва малака ўрганиб келмоқда, балки янги пайдо бўлаётган ғоялар ва дунёқарашга ҳам мослашган ҳолда, бошқача, бизга кўпинча нотаниш ҳаёт тарзи ва фикрларни ҳам олиб келмоқда. Бу ўттир муаммо ҳам Миллий ғоя масаласига бевосита тааллуқлидир...

Дарвоқе, Миллий ғояда миллий рух, миллий тил, миллий ҳаёт тарзи каби тушунчалар қандай ифодаланиши керак? Шу ўринда мулоҳазаларимизни асослаш учун реклама, миллий сўзлашув, дўкон ва рестороанлар номланишига эътибор берайлик. Нафисларимни айтганда, «гранд», «сити», «маркет» каби ўнлаб чет тилидан олинган ва ўринсиз ишлатилаётган сўзлар тилимизга ва миллий онга таъсир қилмай қолмайди. Масалан, ҳаммамиз, ҳар куни ва ҳар жойда ўзбек тилида гаплашаётган одамларнинг суҳбатига куйидаги аралашмаларни эшитамиз: оstanовка (бекат), мост (кўприк), морозженое (музқаймак), в общем (умуман), конечно (албатта), короче (қисқаси), срочно (зудликда), свежий (янги), нервничать (асабийлашиш), четкий (аниқ), серьезно (жиддий), магазин (дўкон), холодильник (совуттич), грузовой (юк ташувчи) ва ҳоказо. Бундай сўзлар жуда кўп. Агар тилда софлик бўлмаса, рус тилидаги сўз-

лар билан ўзбек тилидаги сўзлар бир гапта аралашма бўлиб жарангласа, қандай қилиб миллий юксалиш тўғрисида гапиришимиз мумкин?! Қолаверса, Концепцияда яна шундай бизнинг эҳтиётимиз ва қадриятларимиз билан боғлиқ бир қанча омиллар эътибордан четда қолган. Хусусан, унда маҳалла тўғрисида умуман бирор сўз айтилмаган. Ҳолбуки, мустақилликка эришилган кундан бери биз доим миллий қадрият бўлиши маҳаллани тиклаганимиз тўғрисида гапириб келдик. Модомики, шу қарашларимиз тўғри ва самимий экан, унда миллий онг, миллий ғоя, керак бўлса, миллий юксалишнинг биринчи бўғини, манбаи бўлиши маҳаллани ривожлантириш, ислоҳ қилиш муҳим вазифа этиб белгиланиши керак эди. Қолаверса, бугунги тез ривожланаётган жамиятда маҳалланинг ўзи фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш институти сифатида катта муаммоларга дуч келаётган, бошқа томондан эса шаҳар қиёфаси ўзгарган ва «сити»лар кўпайган сари аънавий маҳалланинг қиёфаси сақланиб қоладими, йўқми, қолса у қандай бўлади? Концепция миллийлик мақомида экан, ана шундай менталитетимиз ва маданиятимизга хос бўлган жиҳатларни ҳисобга олиши керак эди. Бироқ...

Умуман олганда, Концепция лойиҳасининг матни менда кўпроқ бир миллий партиянинг декларациясидек таассурот қолдирди.

Хулоса ўрнида шунини айтмоқчиманки, бундай махсус ҳужжат ўзига хос услубда, жонли ва жозибдор мазмунда ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Акс ҳолда, у яна совет давридан иллат бўлиб қолган қуруқ мафкурабозликка (шиорбозликка) дучор бўлиши мумкин. Шунинг учун уни диалектик услубда ифода этиш керак, деб ўйлайман. Бу нима дегани? Юқорида айтганимдек, бу услуб ҳар қандай масалани ўрганишда унинг ўзгарувчанлиги, мураккаблиги, кўп қирраллиги, зиддиятчилиги каби сифатларини эътироф этиш, синтез ҳодисасини англаш, танқидий ёндашувни қўллаш, иллатлардан қўтулиш каби талабларга муважасман бўлади.

Айниқса, ўзимиздаги камчиликлар ва иллатларни танқид қила олишимиз миллий онгнинг соғломлигини кўрсатади.

Сўбатшуносликка «ижтимоий битим» («Social contract», «Общественный договор») деган тушунча бор. Ижтимоий битим фуқаролар билан давлат орасида муайян келишувни англатади. Унга кўра, фуқаролар ўзининг мутлақо эркин бўлишидан воз кечган ҳолда қонунлар яратуви ваколатга эга бўлган давлатни тузади ва унинг ёрдамида ўз манфаатларини ҳимоя қилади. Шу келишув туфайли жамиятда, ижтимоий муносабатларда муайян тартибот яратилади. Ижтимоий битим, бу ёзилган ҳужжат эмас, балки одамларнинг давлатга ваколат беришига розилигини акс эттирувчи тушунчадир.

Миллий ғоя ҳам, менимча, мавжуд ижтимоий битимнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган йўл-йўриқдир. Яъни, ижтимоий битим каби у ҳам давлат ва фуқаролар орасидаги муносабатларни белгилувчи кучга эга. Бошқача айтганда, миллий ғоя давлат ва халқни бир-биридан ажратмаган ҳолда, улар орасида расмий муносабатлар тарзини белгилашга хизмат қилади. Улар биргаликда халқни қизиқтирадиган ва эҳтиётларини қониқтирадиган ечимларни излайди.

Шу маънода, бизнинг жамиятимизда қайси қадриятлар, аънавалар, ижтимоий ва сиёсий институтлар, дунёқараш меъёрларини илгари суришимиз ва келажакка узатишимиз лозим, қайсыларини эса ўтмишда қолдирсак бўлади? Ва бу саволнинг ечимини топишдан олдин, умуман дунёни, инсониятни, халқаро тизимни биз қандай идрок этиямиз, деган саволни ҳам ўртага ташласак, ўринли бўлади.

Ниҳоят, яна бир масалага эътибор қаратмоқчиман. Миллий тикланиш ёки миллий юксалиш ғояларини илгари сурганда биз албатта юртимизни – Ўзбекистонни назарда тутамиз. Бироқ, миллатимизнинг ўзигини фақат давлатимиз чегарасида кўрсак, чегарани биров тораитирган бўламиз.

Марказий Осиё ўлкалари асрлар давомида ҳам цивилизациялар тўқнашуви, ҳам цивилизациялар ўртоқлашуви мақоми бўлиб келган. У ҳам Ғарб, ҳам Шарқ хислатларини ўзида муважасманлаштирган. Бундай тарих ва воқелик миллий юксалиш мафкурасида ўз аксини топса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу маънода миллий ғоя минтақавий ғоя билан йўғрилган бўлиши керак, деб ўйлайман.

Демак, янги истиқболни белгиловчи ғоя устидан иш олиб боришда анча омилларни ҳисобга олган ҳолда ва кенг жамоатчилик иштирокида уни ишлаб чиқиш зарур. Бундан ташқари, у қотиб қолган бир ҳужжат бўлмасдан, доимо такомиллаштирилиб бориладиган жараён бўлмоғи керак.

Фарҳод ТОЛИПОВ,

«Билим қаровони» нодавлат илмий муассасаси директори



Эълонлар

«ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, «Radiofoqa, radioeshittirish va televideniya markazi» ДУКнинг 12.12.2019 йилдаги №03/1726-сонли мурожаат хатига асосан куйидаги мулк қўйилмоқда:

1. 1999 йилда и/ч, «ТИКО» русумли, д/р 01/928 GBA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3290000 сўм.

Ушбу мулк Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Фаргона йўли кўчаси, 15-йи ҳудудига сақланмоқда.

Мазкур мулк билан сотувчининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион савдолари 2020 йил 20 январь кунини соат 11:00:00да бўлиб ўтади.

Агарда ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2020 йил 27 январь ва 4 февраль кунлари бўлиб ўтади.

Савдо ғолибига 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача (соат 13:00-14:00гача тушлик) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади:

- савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «закалат тўғрисидаги келишув»га асосан закали

лат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжати нуқсаси,

- ариза,
- вакиллар учун ишончнома.

Мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва қўшимча кўрсатилган хизматлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов «ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк АТИБ «Ипотекабанк» Кўжарой филиали, х/р: 20208000900724516001, МФО:00262, СТИР:304619063) тўланиши шарт.

Аукцион савдоси ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Махтумқули кўчаси, 1-йи. **Тел:** (99893) 303-58-22.

Гувоҳнома: 3029.

«ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Жиззах вилоятидаги «Учтепа пахта тозалаш» АЖнинг 19.12.2019 йилдаги №391-сонли мурожаат хатига асосан куйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. 2016 йилда и/ч, «ГБАСП DAMAS» русумли, д/р 25/337НАА бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 6326650 сўм.

Ушбу мулк Жиззах вилояти, Арнасай тумани, Ғолиблар шаҳарчаси ҳудудига сақланмоқда.

Мазкур мулк билан сотувчининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион савдолари 2020 йил 21 январь кунини соат 15:00:00да бўлиб ўтади.

Агарда ушбу аукцион савдосида сотилма-

ган тақдирда такрорий савдолар 2020 йил 28 январь ва 5 февраль кунлари бўлиб ўтади.

Савдо ғолибига 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача (соат 13:00дан 14:00гача тушлик) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади:

- савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «закалат тўғрисидаги келишув»га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжати нуқсаси,
- ариза,
- вакиллар учун ишончнома.

Мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва қўшимча кўрсатилган хизматлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов «ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк АТИБ «Ипотекабанк» Кўжарой филиали, х/р: 20208000900724516001, МФО:00262, СТИР:304619063) тўлашлари шарт.

Аукцион савдоси ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 14-йи. **Тел:** (99893) 303-58-22.

Гувоҳнома: 3029.

«ЧИМЁН САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган

Янги йил байрами

билан самимий муборакбод этади!
Янги – 2020 йилнинг қадами қутлуғ келсин!
Хонадонларимиздан файз-у барака,
хотиржамлик асло аримасин!
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Яратган барчамизни ўз паноҳида асрасин!



Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Янги йил шеъри

Инсон феъли ажабдан ажаб,
Йўқдир унга мезонсиз олам.
Юлдузларни ўлчар ботмонлаб,
Қаричлайди чексизликни ҳам.

Ўзи эга, ўзи қул мангу
Ўзи топган ақидаларга,
Не дей, ҳатто мангуликни у
Бўлиб чиққан дақиқаларга.

Дақиқадан соатлар йиғиб,
Кунлар тузиб ой жам қилади.
Йиғмайди умр ўтди деб,
Йил ўтди деб байрам қилади.

Кўпайса-да ажинлар ҳарчанд,
Оқарса-да йиллардан боши,
Кувонади – кўпайди фарзанд,
Севинади – улғайди ёши.

Бу туганмас орзу-ҳавасда
Бор умидбахш имонга асос:
Инсон ўлмас.
Аста ва аста
Боқийликка ўтади, холос.



Реклама

Тадбир Сўзсиз санъат сеҳри

Зарафшон шаҳридаги 12-умумтаълим мактабида «Сўзсиз санъат сеҳри» номли хайрия концерти ташкил этилди. Унда тўпланган маблағ мактабнинг иқтидорли ўқувчиларига стипендия қилиб бериш учун ажратилди.

Тадбирга Қорбобо ва Қорқиз ташриф буюриб, болаларга совға-салом улашди. Ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар барчага манзур бўлди.

Л.ОСТАНАЕВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси
Зарафшон шаҳар кенгаши раиси



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ургут тумани кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимизни,
шу тундан, касаба уюшма
фаолиятини кўриб келаётган
Янги –

2020

Йил билан
самимий муборакбод этади!
Мана шу мураббитон дақиқаларда
барчага дунёдан энг катта
бахт – оилавий хотиржамлик,
фаровонлик тиллайди.
Ўзбекистонимиз шунда
шундай-шундайверсин! Янги йил
сизни муваффақиятлар
йили бўлсин!



Байрамингиз муборак бўлсин!

Эълон

Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатдан ўтган (05.02.2016 й. Реестр рақами: №006075-07) «SMILE HEALTHY CHILDREN» МЧЖ (СТИР: 303781640) Устав фонди 3 316 844 949 сўмдан 50 000 000 сўмга камайгани маълум қилинмоқда.

Халқ банки ўз мижозларига юқори хавфсизлик тизимига эга замонавий ва қулай

«Кобейдж» пластик карталарини таклиф қилади.

Дунёнинг **170** дан ортик давлатларида ушбу картадан фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, мазкур карта орқали интернет дўконларидан харидларни амалга ошириш, меҳмонхона, авиачипта ва бошқа хизматларни брон қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Халқ банкидан байрам тўловлари

Ушбу картага ойлик иш ҳақи ҳамда исталганча миллий валютадаги маблағларни кириш қилиш мумкин.

Хорижий валютадаги бошқа карталарни очиш зарурати ҳам йўқ.

Чунки ушбу картадан хорижий давлатда тўловни амалга ошириш ва банкоматлардан нақд валюта маблағини ечиш мумкин.

Бунда картадаги маблағингиз автоматик тарзда чет эл валютасига конвертация қилинади.

78-120-17-86, 78-120-17-87
78-120-17-87
www.xb.uz

Халқ банкининг

«Режали тўлов» картаси

орқали савдо дўконларидан истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олишингиз мумкин.

Қарз маблағлари мутлақо фоизсиз ажратилади ҳамда уни 12 ой давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади.

Куйида ҳамкор ташкилотларимиз

- ✦ «Texnomart»
- ✦ «RoisonElectronics»
- ✦ «Mediapark»
- ✦ «Schetchik»
- ✦ «Shinavanda - Savdo»
- ✦ «Urgut Mebel Gold»
- ✦ «Tantana Fayz»
- ✦ «Trendy trade»
- ✦ «Yangi asr - Meros»
- ✦ «Idea Concept group»
- ✦ «Smart Motion»
- ✦ «Art Invention»
- ✦ «Xorazm Exclusive Savdo»

(71) 200-00-55
WWW.XB.UZ

Халқ банкидан байрам тўловлари

0%
6262 9100 1234 5678

REJALI TO'LOV kartasi

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатдан олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таълилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоси нелишилган нарҳда.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «protoka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳўдудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-90-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдураҳимов
Мусаҳҳих:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎЗА яқини — **02:14**
Толширилди — **02:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г — 1217.
27516 нусxada босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6